



ИШОНЧ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

6 СЕНТЯБРЬ
1996 йил,
ЖУМА
№ 71 (318)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВ 4 СЕНТЯБРЬ
КУНИ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ»
РЕСПУБЛИКА ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ
РАҲБАРИЯТИ ХАМДА БОШҚАРУВИ
АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Мулоқот чоғида одамлар қалбиди юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий маффурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол гошларига садоқат руҳида тарбиялаш масалалари ҳусусида гап борди.

Куни кеча бутун мамлакатимизда тантанали нишонланган Мустақиллик куни мазкур сана халқимизнинг чинакам миллий байрамга айланганини кўрсатди, деди Ислам Каримов. Бу халқимизнинг эртанги ёруғ кунларга ишончи ортиб бораётганидан далолат беради. Биз одамларда маданият ва маънавият юксалгани, ўзигини англаш туйғулари, Ўзбекистон менинг Ватаним, деган муқаддас тушунчалар ҳар бир ватандошимиз онига теран кириб борганига гувоҳ бўлдик. Юртимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, тотувлик энг катта бойлик эканини барча англаб етгани, айниқса, қувонарли ҳодиса. Бу эса биз изчиллик билан амалга ошираётган ишларнинг натижаси, таъбир жоиз бўлса, энг катта ютуғимиздир.


Бу хайрли ишларга адабиёт ва санъат намояндalари, маданият арбоблари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Маънавият заҳматкашларининг меҳнати самарасини, иқтисодий кўрсаткичлардан фарқи ўлароқ, бирон мезон билан ўлчаб бўлмайди. Бунинг фақат одамлар қалбидида гурунган, уларнинг чеҳраси очкилигидан англаш, ҳис этиш мумкин.

Суҳбатда халқимизнинг савиясини янада ошириш, миллий ҳусусиятларимизни, анъаналаримизни инобатга олган ҳолда жамиятимизда демократийлаштириш жараёларини кучайтириш, маданият ва маънавият муассасалари ишларини тагин ҳам такомиллаштириш борасида фикрлашиб олинди.




Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Х. Жўраев, матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст қатнашди.

(ЎзА).

«Президент кубоги» турнири



Мустақил мамлакатимизнинг спорт соҳасида ҳам жаҳон миқёсида нуфузи ортиб бормоқда. Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири, таъбир жоиз бўлса, ана шу хайрли ишларга кенг йўл очиб берди.



Пахта-96

ЧЎЛ ДУРДОНАСИ

Охунбобоев туманидаги «Пахтакор» жамоа ҳужалигининг Аҳмаджон Тешабоев бошлик бригадасида эрта тонг бўлинига қарамай, аллақачон меҳнат беллашуви авжига чиққан эди. Майдонлардаги пахта чаманчани билдириб, очилиб етди. Жамилжон Холматов, Дилбархон Далахонова, Минавархон Уроқова, Маншуджон Топпулатова каби чевар теримчиларнинг қули қулига тегмайдди. Уларнинг ҳар бири кунига 200-250 килограммдан дурдона териб, бригада хирмонига қутбарка киритишганди.

Терилган пахтани тортиб олишда торозибон Мамыржон Рустамов, механизатор Шамсуддин Раҳимов пахтани хирмонга ташинида жонболлик кўрсатишмоқда. Бригадада пахта йиғим-теримининг бориши ҳақида бригада сардори шундай деди: «120 гектар майдонга «Фаргона-3» навли чигит қўлиб, муваққил ҳосил ештиришга муваффақ бўлдик», дейди бри-

гада бошлиги Аҳмаджон Тешабоев. Мақсадимиз ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил кутариш. Далада 100 дан зиёд теримчи ишляпти. Барчанинг кайфияти аъло. Хамма катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни тезроқ териб олиш билан банд. Дала шийони дил билан безатилган. Теримчиларга иссиқ овқат ва чой тайёрлаб бериляпти. Мусобақа ҳар беш кунда якуланиб, илгорлар тақдирланмоқдалар. Хужалиқнинг Олимжон Эмиев бошлик бригадаси даласида ҳам меҳнат беллашуви авжига чиққан. Бригада заршунослари ҳар гектар майдондан 26 центнердан чўл дурдонаси олиш мақсадида пахта йиғим-теримини кун сайин авж олдириляпти. Узаро боллашуви Салимажон Косимова, Қаримжон Мирзаевлар ишляпти. Уларнинг ҳар бири кунига 210-260 килограммга етказиб дурдона териммоқдалар. Пахта йиғим-теримини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1996 йилда пах-

ЕЛПИМ ИҚЛИМ НАФАСИ

МДХ мамлакатларида

Хавфсизлик кенгаши котиби Александр Лебединг Чеченiston айирмачилари билан тузган яраш битимини Россияда турлича баҳолашмоқда. Президент мазмурияти бошлиги Анатолий Чубайс Чеченistonдаги уруш ҳаракатларини тўхтатгани учун А.Лебедь мактоғига сазовордир, деди. Битим Чеченistonнинг мустақиллиги ҳақидаги масалани ҳал этишни 5 йил орқада суради. Коммунистлар лидери Г.Зюганов ушбу битимни Россиянинг худудий ахлалтигига раҳна солуви ён беришдир, деб баҳолади. Генерал А.Лебедь парламентга яраш битими буйича овоз берилиши юзга келган низоини ҳал этишни мумкин деб ҳисоблайди.

Британиянинг Ироқнинг қурадарга қарши ҳарбий ҳаракатларини қоралаш буйича таклиф этилган резолюцияга вето қўймоқчи. ИТАР-ТАСС маълум қилишча, Россия ташқи ишлар вазирини Евгений Примаков, БМТ ҳавфсизлик Кенгаши котиби ишлаганини қораловчи резолюция қабул этиб, Ироқдаги бухронини сиёсий йул билан ҳал этишни талб қилишни керак, дедан. Хавфсизлик Кенгаши ишбу масалани ёшиқ эшиклар ортда муҳокама қилди. Қўшма Штатлар Ироқни рақатдан уққа тўтатишни учун бошқа бир қатор мамлакатларни тикидига ҳам учради. Улар орасида Хитой, Франция, кутлилик араб мамлакатлари, Индонезия, Малайзия ва бошқалар бор.

Россия Хавфсизлик Кенгаши котиби билан А.Масҳадон уртасида яраш битими имзолашганидан кейин республикада олий ҳокимият органиларига қичон ва қай тарзда сайловлар уюштирилади, деган ҳаққоний савол туғилди. Олдинги ҳукумат тарқаб кетди. Ичкиерия ҳукумати объектив сабабларга қараб бу ишга қириниш олмайдди. Худди шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари Янги Астафани таваруш ва бу ишнинг мувофиқлаштириб турувчи ташкилий кўмитга тузишга қарор қилдилар. Учрашува катташнинг ҳеч қандай маъна этилмади. Юқоридаги масалаларни Олий Кенгашнинг собоқ депутатлари, олимлар, атоқли жамоат арбоблари муҳокама қилишди. Янги Астафига Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг вакили Тим Гудман етиб келди. Учрашув катташчилари демократик тамойилларга амал қилиб, сайловлар чинакамга умумхалқ куралида ушунини ташкиллаш керак деган қарорга келишди.

Исроил янги ҳукумати шаклланишдан кейин илк бор Исроил Бош вазири Б.Натавух билан Фаластин раҳбари Я.Арафат уртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувдан кейинги матбуот конференциясида ҳар икки раҳбар яқин Шарқда тинчлик жараёларини янги куч билан давом эттиришга тайёр эканликларини билдиришди. Б.Натавух жумладан, битимларга эришни ва низоларни бартаф қилиб бориш мақсадида мухтазам учрашувлар ўтказиб туришларини маълум қилди. Я.Арафат учрашув ижобий натижа берганини тасъиллади.

Германия канцлери Гелмут Кол икки кунлик расмий ташир билан Киевда бўлди. Бу ерда у Украина мустақиллигини қатъий қўллаб-қувватлашни маълум қилди. Ватанга жўнаб кетиш олдиндан у, Украинадаги барқарорлик бутун Европа барқарорлиги учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга деб таъкидлади. НАТОнинг Шарққа қараб кенгайиши ҳусусида ташир, Г.Кол, бу НАТО таркибинини кенгайтиришдан қўра қўроқ уни қайта кенгайтириш масаласидан кейин ҳаққоний қўшилган бўлса-да, Украина бу иттифоққа тула ҳуқуқдан аъзо бўлиб қиринишга фаол иштирок этиши мумкин. Украина Президенти Л.Кучма яна Шарқий ва Марказий Европада яқин эвази ташкил этиш тақдирини қирғиди. Гелмут Колнинг Украинага ташири чоғида умумий ҳажми 340 миллион долларлик иқтисодий ҳамкорлик битимлари тузилди.

Би-би-си мухбирининг таъкидлашича, юқоридаги учрашув узаро мулоқотлар тиклангани билан характерлидир. Бироқ асосий қийинчиликлар олдинда. Ана шу қийинчиликлар Б.Натавух ва Я.Арафатнинг кеча бўлиб ўтган иккинчи учрашувида қўздалиб бўлиши керак. Бу, энг аввало, Исроил Хеврондан эъ қўшилларини олий чикиб кетиш буйича тақдирини маълум қилиш билан намойи бўлиши эҳтимоли. Ҳозирча ҳар икки раҳбар мураккаб масалалар махсус мувофиқлаштирувчи қўшма комиссияда қиринишнинг айтишди.

Польша Ҳарбий ҳамкорлик ҳусусида Буюк Британия билан битим имзолади. Польшанинг мудофаа вазири Габриел Польшада уқтанлаётган Ҳарбий машқларни кузатиш чоғида шунини маълум қилган. Машқларда 3 миңдан ортиқ аскар иштирок этмоқда. Мутахассислар бу машқларнинг собоқ Варшава шартномасига қирувчи мамлакатда уқтаилаётган НАТОнинг энг йирик ҳарбий машқларидан бири деб баҳолашмоқда.

АҚШ давлат котиби У.Кристофер Лондонда бўлиб, Қўшма Штатлар раҳбарлик қилаётган коалицияда Ироқ масаласида юзга келган муаммонни ҳал этишга қиринди. У Буюк Британия ва АҚШнинг Ироқдаги ушун маъ этилган кенгайтирилган таъққ зонасидаги ҳаракатларда қатнашишига Франция ҳам қўшилганини умид қилаётганини айтган. У.Кристофер Лондондан Парижга ўтишни ҳам режалаштирган.

Жаҳон матбуот агентликлари материаллари асосида.

Тадбиркор тажрибаси САМАРА САРИ

Гузор туманида гап тадбиркорлар ҳақида кетса, барча Халил ака Раҳимовнинг номини ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. Одатда ишбилармонлар ҳусусида илқ гаплар кам айтлади. Гоҳида кенг жамоатчилик: «фалончи дастлаб ишни бошлади, кейинчалик бойишга берилиб кетиб, босар-тусарини билмай қолди» эки «фалончи шаҳарма-шаҳар, бозорма-бозор юриб, маҳсулотни арзонгаровга олиб, қиммат нарҳда халққа пуллашга одатланиб қолди» деган фикрларни билдиришди. Дарвоқе, ҳозир қайси бир шаҳар ва қишлоққа борманг, кичик-кичик дуконлар кўпайиб, у ерларда еш йигит-қизлар бир хил маҳсулотлар билан эртдан кечгача савдо қилаётганини учратиш мумкин. Тайёрига бақовул бўлиб яшашга одатланиб қолаётган халқимизнинг тақдирини эртага нима бўлади, ишлаб чиқариш, қайта тайёрлаш, хизмат кўрсатиш соҳаси билан ким шуғулланиши деган ташвиш доим мени қийнайди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Халил ака Раҳимовнинг номини кўпчилик бекорга тилга олмас экан. У туман марказида «Сардор» номли ҳусусий фирма очиб, қисқа вақт ичида аҳоли талабига мос маҳсулот тайёрлашни йўлга қуйибди.

Дастлабки иш 50 миң сумлик маблағдан бошланди. Бу сармоя қурилиш ишларига сарфланди. Сўнг республика «Бизнес фонд» жамғармасидан 500 миң сум сууда олишди. Унинг 230 миң сумига Тошкентдаги «Алгоритм» корхонасидан соатига 20 килограмм макарон тайёрлаш қувватига эга бўлган митти цех харид қилинди. Қарзга олинган пулнинг қолган қисми ҳам ноурин сарфлаб қуйилмади. Дарҳол вилоят ва туман дон маҳсулотлари корхоналари, Шаҳрисабз шароб заводи, Қибрайдаги салқин ичимликлар корхонаси ва Тошкентдаги «Агат» фирмалари билан узаро шартномалар тузилиб, фаолият бошлаб юборилди. Зудлик билан амалга оширилган вазифалар пулнинг айланганини тезлаштирди. Унинг қадрсизланишига йўл бермади.

Макарон пехи дарҳол ишга туширилиб, унга Файзулла Убайдуллаев ва Ҳамдам Раҳимовлар мастул этиб тайинланди. Не бахтки, пехни юритиш жуда осон кўчди. Чунки макарон тайёрлаш учун унчалик кўп маҳсулот керак эмас. ун, тухум порошоти, туз, сув бўлса бас. Шу туфайли қисқа вақт ичида 5 турдаги макарон ишлаб чиқарила бошланди. Ҳозир кунига уртача 300-350 килограмм макарон тайёрланмоқда. Маҳаллий маҳсулот халққа манзур бўлган шеклини, дуконларда макарон туриб қолаётгани йўқ. Ҳозиргача бу пех 10 тонна 200 килограмм макарон ишлаб чиқарди. Бунинг натижасида 219 миң 218 сумлик фойда олинди.

Энди узаро алоқаларга келсак. Тошкентдаги «Агат» фирмасидан 30 тоннадан ортиқ металл олиб, аҳолига арзон нарҳда сотилди. Шаҳрисабздаги шароб заводи, Қибрайдаги салқин ичимликлар корхонасидан турли ширин ичимликлар олиниб, аҳолига етказиб берилмоқда. Корхона уз пешона тери билан топган пулни янада қўпайтириш мақсадида Улугбек маҳалласида 50 киши овқатланган чойхона қурилишини бошлаб юборди. Бундан ташқари байрам дафтлари ногиронларга, боқувчисини йўқотганларга фирма ҳисобидан баҳоли қудрат ерлам берилди. Туман ҳокимлигидаги яхши тадбиркор сифатида уларни тез-тез таклиф қилишга одатланиб қолишди. Бу албатта яхши. Лекин бирор юмуш билан идорага муружаат қилиб боргудек бўлиса, дарҳол уларнинг четта олишди. Олдин мисол, макарон ишлаб чиқариш учун ун керак. Хўш, маҳсулотни қаердан олиш керак? Корхонада бўлмаса, дуконларда олдингидек оқиқ сотилмаса. Бу масалани туман ҳокимлигидаги уш ошмайлари олишни сира хоҳлашмайди. Маҳсулот йўқлигиндан гоҳ пайтлари пех тухтаб қолади. Оқибатда 7 кишини ишдан бўшатинига туғри келди. Шерати Ҳамдамов, Ақмал Қоранонов, Ҳаким Раҳимов кабилар шўлар жумласидандир. Биз аҳолини иш билан таъминлаш ҳаракатида бўлса, ҳокимлик бу соҳада ўзининг амалий ердамини кўрсатмаса. Қачонгача ярани яшириб, иситмасини ошириб юрмалди! Ишбилармон ва тадбиркорлар керак деймиш, уларнинг дол-ақолидан хабар олмаймиз. Оқиқ айтилган бўлса, ҳоким ва ҳоким муовинлари утган даврда бирор марта фирмага ташир буюртгани йўқ. Ваҳолидан, шўнча қийинчилик ва муаммоларни етиб ўтишга бел болаган корхонанинг дол-ақоли, иш фаолияти билан яқиндан танишиб, масалаларни урганиш туман ҳокимларининг бевосита вазифасига қиринди. Уйдаймизки, Гузор туманидаги раҳбар идоралар бу фаолиятни самарали йўлга қуйишди. Зеро, ҳаммамизнинг ниғтишимиз бир хил: халқ туқ ва бой бўлиш.

Ахрор САМАРИДИНОВ
«Ишонч» мухбири

Инсон ва табиат

ХОНГИП КИЙИКЛАРИ ЗАРАФШОНДА

Зарафшон қуриқхонаси республикамиздаги йирик табиат маскашларидан бири. Бу ерда ноёб жониворлар ва ўсимликларини асраш билан бирга қўпайтиришга ҳам эътибор берилмоқда. Яқинда қуриқхонага Қорақалпоғистондаги Бадайтўқай қуриқхонасидан олти бош Бухоро хонгип кийиги келтирилди. Кийиклар қуриқхона майдонидан ажратилиб, сўн тусиқ билан уралган 3 гектар майдонда парваришланганлиги.

Саҳоватли фасл



Наманган вилоятининг Үйчи туманидаги А.Мўминов номли жамоа ҳўжалиги мева ва узумдан мўл ҳосил ештиришди. Айниқса, ҳўжалиқнинг Жўрабой Отахонов бошлик бригадаси аззолари эришган ютуқ - қувончли бўлди. Бригада боғbonлари эл дастурхонига 240 тонна узум тортиқ этиб, режани анча ошириб удалашди. Давлатга мева сотиш режаси ҳам удаланди.

Суратда: ҳўжалик бошқаруви раиси Р.Исмагуллаев боғbonлар орасида.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ДЕҲҚОНЛАР ТУҲФАСИ

Наманган шаҳрининг турт даҳасида ташиқ этилган мева ва савзавотлар бозорлари тобора тавжувлашиб бормоқда. Бу ерларда вилот деҳқонлари катта меҳнат ва машаққат эвазига етиштирилган мева ва савзавот маҳсулотларини келтириб арзон нарҳларда шаҳарликларга тақдим этимоқдалар. Кунги кеча уюштирилган ана шундай савдо чоғида айниқса, Учқургон туманидаги Охунбобоев номли жамоа ҳўжалиги маҳсулотлари сарҳарид бўлди. Мева ва савзавот бригадаси ҳисобичини Рустамжон Мирзакаримовнинг айтишича, 30 гектарлик боғда ва 3 гектар майдондаги полизда ҳосил мўл битган. Норин туманининг «Пахтакор» жамоа ҳўжалигини Аҳмаджон Эргашев бошлик бригада ҳам 43 гектар ерда деҳқончилик қилиб мўл ҳосил ештирилган. Бу йил 210 тонна савзавот, 36 тонна мева ештирилиб уларнинг асосий қисминини шаҳарлик биродарларимизга тақдим этишни мувожадланмиш, дейди бригада бошлиги А.Эргашев. Ҳимматини та багли, боболеҳқонлар.

Т.МАҲҚАМОВ сурати.



ДУШАНБА, 9

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 «Хайратнома»... 8.30 Эстрада тароналари. 9.00 «Киллоқ тadbиркорлари»...

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Олам ва одам». Мазрифий курсатув. 9.00 «Рангин дунё»...

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ахборот». 20.05 «Ахборот». 20.25 «Ахборот»...

17.55 Ўзбекистон! Тонги дам олиш дастури. 18.00 «Богимга марҳамат». Телефильм. Россия жамоат телевиденсиси...

17.55 Ўзбекистон! Тонги дам олиш дастури. 18.00 «Богимга марҳамат». Телефильм. Россия жамоат телевиденсиси...

17.55 Ўзбекистон! Тонги дам олиш дастури. 18.00 «Богимга марҳамат». Телефильм. Россия жамоат телевиденсиси...

17.55 Ўзбекистон! Тонги дам олиш дастури. 18.00 «Богимга марҳамат». Телефильм. Россия жамоат телевиденсиси...

17.55 Ўзбекистон! Тонги дам олиш дастури. 18.00 «Богимга марҳамат». Телефильм. Россия жамоат телевиденсиси...

17.55 Ўзбекистон! Тонги дам олиш дастури. 18.00 «Богимга марҳамат». Телефильм. Россия жамоат телевиденсиси...

ТЕЛЕДАСТУР 9 - 15 сентябрь

ЖУМА, 13. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 «Хайратнома»...

ПАЙШАНБА, 12. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 «Хайратнома»...

ЧОРШАНБА, 11. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 «Хайратнома»...

СЕШАНБА, 10. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 «Хайратнома»...

МУНАЖЖИМАЛАР ТАБЪИРИ

(9-15 сентябрь кунлари учун) ДАЛВ (20.01-18.02) ойда турилганлар учун бу ҳафта тўла омад бўлиши кутулади. Бу кунларда қўлга катта маблағ тушиши, илмий соҳада улкан ютуққа эришиши, муҳаббат борасида омади юришиши, оиласида узоқ кутилган қувончли воқеа содир бўлиши, ишонда эса мансаб даражаси кўтарилиши мумкин...

ЛЕКТОРЛАР ЧЎЧ

- махсус курсларга қабул қилиди: - ЗАМОНАВИЙ БУХГАЛТЕР ҲИСОБИ - бу курсда мулкчиликнинг барча шаклларида асосланган ҳорхоналарда халқаро ҳисоб андозалари билан янги ҳисоблар бўйича ишлаш учун компьютерлар ердамида ўқитилади...

САВО, УМУМИЙ ОҲАТГАНИЛИК, МАТБУТОТ КООПЕРАЦИЯСИ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТУРЛИ ШАКЛЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ИЛЮТ КМУТАСИОНАРИ РАЕСАТИ, РАЕСАТ АЪЗОСИ ТОШКЕНТ ИЛЮТ САВО ҲИСОДОРИК КОМПАНИЯСИ РАИСИ Ғ.ТУРСУНОВА ПАДАРИ БУЗРУКВОРИ

Отабой ТУРСУНОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.

«Ўзмашсаудо» хиссасдорлик жамияти Тошкентдаги омборлардан қуйидагиларни сотади: ГА3-31029 автомобиллини, Т-28, ТТ3-80 (турт гилдиракли) тракторларини...

Тошкент ҳисоблаш техникаси ва информатика «ХТИ СПЕКТР» (VTI SPECTR) жамоа корхонаси Компьютер ва касса аппаратларини етказиб беради, техникавий хизмат курсатади, созлайди, тақомиллаштиради, ходимларни ўқитади, сарф харажатларни зиммасига олади...

ИШОНЧ Бош муҳаррир Саидакром САИДВАЛИЕВ МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир қабулхонаси - 56-25-36 Бош муҳаррир уринбосари - 56-52-89 Мاسъул котиб - 56-52-78 БЎЛИМЛАР Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт - 56-82-79. Ахборот ва спорт - 56-87-63. Мазлифат ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ - 56-85-66. ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Андижонда - 5-23-10. Бухорода - 3-50-10. Гувастонда - 2-24-98. Жиззахда - 3-82-18. Наманганда - 3-41-99. Наманганда - 6-22-10. Нукусда - 2-44-46. Самарқандда - 35-64-24. Термизда - 2-70-07. Тошкентда - 56-82-79. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида - 5-33-71.